

# Ҳадис 175-дарс. Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар!



20:00 / 02.03.2022 1877

مَلَكَاتٍ إِذِ ابْنَكَ أَنْ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلُ لِي لِي بِنِ لِنَع ، هُنَّ عُلُ لِي لِي ضَرَسْنَ أَنْ  
مَلَسَ مَهِيَ لَعْلُ مَلَسَ فَمَوْقِ لَعْلُ عِي إِذِ وَهُنَّ مَهْفُتِ لِي حَاتِ أَدَاعِ لِمَلَكَاتِ  
دُوَادٍ وَبِأَوْ رَاجِبِ لِهَ أَوْرَ . أَلِ تَمَهِيَ لَعْلُ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор калима айтадиган бўлсалар, тушунарли бўлиши учун уни уч марта қайтарар эдилар. Агар бирор қавмнинг олдига келиб, салом берсалар, уч марта салом берар эдилар».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳим нарсаларни эшитувчиларга очиқ-ойдин, тушунарли бўлиши учун уч марта қайта-қайта такрорлаб гапирганлар.

Шунингдек, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор қавмнинг олдидан ўтсалар ёки олдига борсалар, салом берар эдилар. Агар улар саломни эшитмасалар, икки ёки уч мартагача такрорлар эдилар.

Шунинг учун биз ҳам дарс берадиган ёхуд бирор маълумотни етказадиган бўлсак, ўша нарса эшитувчига тушунарли бўлиши учун ҳаракат қилишимиз лозим бўлса, икки-уч марта такрорлашимиз керак. Салом берганимизда

ҳам биринчи мартада эшитилмай қолса, иккинчи ва учинчи марта такрор салом беришимиз лозим.

أَلَا أُرْسَبُ وَأُرسَعُتْ أَلَا وَأُرسِي: لَأَقَمَّ لَسَوَهِ لَعْلَعُ هَلْ لَ صَيَّبُ لَلْ نَعْنَعُ وَ  
نَأخِي شَلْ أَوْر. أَوْرَفَنْتْ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар. Хушхабарлар беринглар, нафрат қилдирманглар», дедилар».

Икки Шайх ривоят ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларга, улар орқали барча умматларига мурожаат этиб: **«Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар»**, демоқдалар.

Яъни, Ислом ҳақида гапирадиган, баъзи бир масалани ечадиган ёки бирор нарсада ҳукм чиқарадиган бўлсангиз, умуман, ҳар бир нарсада осон тарафини олинг, қийинини олманг, демоқдалар. Модомики, иш шариат чегарасидан чиқмаса, осон томонини олиш Ислом дийнининг асосий қоидасидир. Бошқа ҳадиси шарифларда келишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон икки нарса орасидан бирини танлаб олиш ихтиёрига эга бўлсалар, албатта осон томонини олганлар. Кишиларни Исломга даъват қилиш учун атрофга юбораётиб, мана шу ҳадисни ҳар бир саҳобийга, албатта, қайта-қайта тайинлаганлар.

«Хушхабарлар беринглар, нафрат қилдирманглар».

Ислом ҳақида, шариат ҳақида кишиларга гапирилганда доимо яхшиликларни, улар учун хушхабар бўладиган, икки дунё саодатига сабаб бўладиган нарсаларни гапириш лозим. Кишиларнинг нафратини келтирадиган, уларни чўчитадиған, кўнглини қолдирадиган гап-сўз ва тасарруфларни қилмаслик керак.

Ушбу ҳадиси шарифдан оладиган фойдаларимиз очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бунга айниқса, Исломга даъват қилиш билан машғул кишилар алоҳида эътибор беришлари лозим. Афсуски, баъзи бир биродарлар бу ҳадиси шарифдан беҳабар, тескари маънода гап-сўз ва ҳаракатлар қиладилар.

Авваллари билмаган бўлсак, энди билдик. Бундан буён Ислом дийни ҳақида гапирадиган, бирон иш қиладиган, ҳукм чиқарадиган бўлсак, осон тарафини олайлик. Кишиларга дийнимизнинг осонлиги, икки дунё бахт-саодатига етказиши башоратини бериб, гапирайлик. Ўзимизча шариатни қийинлаштирмайлик! Кишиларни турли гап-сўз, бўлмағур ҳатти-ҳаракатларимиз билан Исломдан нафратлантirmaйлик. Мўътабар ҳадиси шарифга доимо амал қилишга интилайлик!

***«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди***